


1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади



Қарши районидagi «Ленин йўли» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда ғайратга-ғайрат қўшиб иш-ламоқдалар. Меҳнат аҳли аини пайтда 1.400 гектар майдонда ғўза ўстираёт-ти. Шароит бирмунча но-қулай келган бўлса-да, ниҳоллар ривожини яхши. Ҳозирги кеча-кундузда қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш, су-ғориш ишлари бир-бири-га қўшиб амалга оши-рилмоқда.

СУРАТЛАРДА: моҳир механизатор Сафар Ута-нов; экинга ишлов берил-моқда.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

КАРДОШЛАР ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

Поп районидagi Беруний номи давлат хўжалигида ғалла ўрми-йиғини тугалла-ди. 40 гектар майдондан 140 тоннадан зиёд сара дон янчиб олindi. Ҳосилдорлик гектар бошига 35 центнердан туш-ди. Шунинг эътиборига ло-йиқли, қўшни Қирғизистон-нинг Жалолобод вилоятига қарашли Олабуқа районидagi «1 Май» жамоа хўжалиги механизаторлари мавсумда фаол қатнашдилар. Улар да-ладаги ҳосилни қисқа му-ддат ичида, тез ва сўз йиғиш-тириб бердилар. Қомбайнчи-лар Норинбой Нишонов, Аб-думутал Жўраев ва Мусу-мон Қўрбонбоев ўз агрегата-ларини самарали ишлатдилар.

Х. ЭРГАШЕВ.



БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТ— ҒЌЗА ПАРВАРИШИГА

Богдо районидagi қишлоқ хўжа-лиги ишларида зарбдор икки ойлик қиз-гин давом этапти. «Пахтакор» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам бу ҳара-катга фаол қўшилишган. Улар жорий йилда 1389 гектар майдонда деҳқончи-лик қилмоқдалар. Ҳар гектар ердан ў-ртача 35 центнердан ҳосил етиштириш кўзланган. Шу кезларда ғўза парвари-ши зўр ушқоқчилик билан олиб борила-ётир. Мавжуд 23 та пахтачилик брига-дасида ўзaro меҳнат беллашуви кенг йўлга қўйилган. Дала ишларида 1,5 мингдан зиёд киши қатнашмоқда, 33 та чоник трактори уюмлик ишлатилапти. Ҳозиргача қатор ораларига 6 марта ишлов берилди, 3 мартадан кетмон чо-пини ва озиклантириш ўтказилди. Ни-ҳоллар иккинчи марта оби-ҳаётга қон-дирилмоқда.

Саратонда ҳосил тақдири асосан су-чи билан механизаторнинг меҳнати-га боғлиқ. Ҳозирги пайтда сугоришда иш-тирок этаётган 185 нафар миришкорнинг аксарияти тажрибали деҳқонлардир. 75 ёшли сувчи Умарали ота Ҳайдаров 7-бригадада ҳамкасбларига мураббийлик қилиш билан бирга ҳар кун 1,5—2 гектар майдондаги экинга оби-ҳаёт та-рамоқда. Муротали Аҳмедов, Деҳқонбой

Қўрчиев, Содик Азизов, Холмат Сулай-монов каби мироблар ҳар қатра сувдан оқилона фойдаланиш йўлида фидойилик кўрсатишяпти. Умуман кунига 85—90 гектар майдоннинг ғўзалари сувдан чи-қарилмоқда.

Марказий Фарғона даштида хўжалик-

ЗАРБДОР ИККИ ОЙЛИК

нинг 600 гектардан ортиқ экинзори бў-либ, уларда ниҳолларнинг ривожини ях-ши. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Саидхон Тўхтасинов бошлиқ 4-деҳқончилик участкасидан Робия Раҳ-монова, Абдурахим Тўхтасинов, Ибро-ҳим Солиев бошлиқ 5-деҳқончилик участкасидан Бусора Номозова, Аҳмад-жон Самадов, Холқ Юсуфов етакчили-гидagi бригадаларда айниқса ғўзалар кўзини қувонтиришмоқда.

Шуни айтиш керакки, бу йилги об-ҳа-во қийинчиликлари мажбурий хўжалик деҳқонларининг ҳам ташвишига та-швиш қўшди. 300 гектардан зиёд май-дондаги ниҳоллар табиий офатдан жид-дий зарарланди. Бу пайкалларга қайта-дан уруғ қадалиб алоҳида парваршиш қи-линди. Озиклантириш, ишлов бериш ку-чайтирилгани туфайли ушбу ғўзалар ҳам қийғос гуллаб, ҳосил нишонларини кўпайтирмоқда.

— Далада ишлайётганларга барча шарт-шароитни яратиб беришга интила-ляимиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, вилоят партия қўмитасининг аъзоси Абдуқайҳор Абдусаматов. — Ҳамма бригадаларда ийишлар кўпай-тиришга жиддий эътибор берилди. Мавсумий бо-чалар ишлаб турибди.

Хўжалик меҳнатчилари ғўза пар-варини қизитиш билан бирга кузги йиғим-терим ҳақида ҳам қайғурмоқда-лар. Ажратилган майдонларда ҳосил машинабон қилиб ўстирилмоқда. Ме-ханнизаторлар ҳозирдан зиммаларига маж-буриятлар олишяпти.

М. ШАРИПОВ, К. ХОЛБЕКОВ.

ЁШ, КЎПГА БОШ

Мирбадал билан суҳбатлашиб, унинг кенг фикрлашини фахрмладим. Ҳар бир ишни лишиш-пўхта қилишга ўр-ганган. Барча турдаги техникани бошқара олади. Пахтачи-ликда яхши билимин бор, етук мутахассис. Олий маълу-мотли агроном йигит олти йилдан бери бригадлага етакчи. Мирбадал мактовини хуш кўрмайди. Бироқ бажарилган ишлар, жамики режалар ошириб адо этилаётгани хоҳла-сангиз-хоҳламасангиз, унинг номи билан боғланади.

Ульянов районидagi «III Интернационал» давлат хўжа-лигининг 3-деҳқончилик участкасига қарашли Мирбадал Турсунов бошлиқ бригада илгорлардан саналади. Жамоа-нинг 80 гектар пахта майдони бор. Давлатга 205 тонна

хом ашё етказиб бериш режа қилинган. Мажбурият эса 250 тонна.

— Ҳар ойда 40—42 кишига иш ҳақи ёзилади, — дейди Мирбадал. — Уртача 350 сўмдан тушапти. «Бозор иқти-соди ҳақида нима дейсиз?» деб сўрадингиз. Фикрим шун-дай: нарх-наво тушади, яна арзончилик бўлади деб қўй қовуштириб ўтурсак, хато бўлади. Муҳими, ҳамжиҳатлик-ни ошириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ке-рак.

Бригадада кўзланган мақсадга эришиш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Ҳосил Аҳмедов, Рўзбой Воисов, На-сиба Мирмуродова, Рўзхон Бадалова, Эркин Ҳайдаров каби ишчилар пайкалларда мулжалдаги ҳосилни тўплаш учун фидойилик кўрсатишяпти. Ғўзалар ҳозирга қадар 6 марта ишловдан чиқарилди, 2 марта сугорилди. Барча ишларга ёш бригадир М. Турсунов бошқош.

Б. КАМЛОВ.

ИЖАРАЧИЛАР ДАЛАСИДА

дастлабки натижа қувончли бўлди.

Иил охирига келиб ҳар гектардан олинган ҳосил шартномадаги 33,8 центнер ўрнига 37,3 центнерни та-шкил этди. Давлат тайёрлов пунктларида 298 тонна дур-дона топирилди. Бу ра-қам белгиланганига қара-ганда 28 тонна кўпдир. То-пирилган оқ олтиннинг 74,6 фоизи биринчи навта, 24,4 фоизи иккинчи навта қабул қилинди.

Бригада жамоаси олган даромад салмоқли бўлди. Улар пахтачиликдан 282,3 минг сўм кирим қилишга эришдилар.

Жорий йилда бригада-нинг режаси катта. Ўтган йил кузда минерал ўғит се-пилиб чўқур шудгорланган, қиш давомида чилла сувига тўйдирилган майдонлар эрта кўламдан оқ экинга ҳозир-ланди. Чигит экин 6 иш ку-нида ниҳоясига етказилди.

Уруғ ердан бир текис бош кўтарди. Ниҳолларни яна-лаш қисқа муддатларда ту-галланиб, ҳамма ерда гула гектарлар яратилди. Қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш, сугориш ва ғўза туллари қўшиб, пайкалларда бирорта ҳам бегона ўт ёки зарарли ҳа-шаротнинг пайдо бўлмасли-

ги чора-тадбирлари кўри-лапти.

Ҳозиргача мавжуд пахта-зорлар 5 марта култиваци-яланди, 2 марта чизель агрегати билан чуқур ю-шатирилиб чиқилди. Икки мар-та обиҳаётга қондирилди.

Ана шундай ишлов, де-ҳқон меҳри туфайли бригада далаларидаги ғўзалар бир текис ривожланиб, кишининг кўзини қувонтиради. Ҳар гу-п ниҳолда 6—7 тадан гул, 2—3 тадан кўсак пайдо бў-либ, баракалар ҳосилдан да-лолат берапти. Азаматлар ҳосилдорлигини 29 центнерга етказишмоқчи.

Шу кунларда дала ишла-

ри юқори суръат ва аъло сифатда олиб боришмоқда. Бу борада ўз агрегати билан кунига 6—7 гектар ердани ғўза қатор ораларига чу-қур ишлов бераётган дала парварчилари Хайрулла Жў-маев, Хаким Шариповлар, обиҳаётни исроф этмай, са-ратон сувидан баҳраманд бўлишни таъминлаш йўли-да кўп йиллик тажрибалари-ни қўллаб, ишнинг гурупи асо-сида уштираётган. Убай-дулла Бурҳонов, Абдуҳамид Абдуазизовлар бошлиқ 6 нафар миришкорлар ўртак кўрсатишмоқда.

Ижарачилар даласида бу-лган киши қанчоқ меҳнат ушқоқлик, тадбиркорлик-нинг устидан чиқди ва бе-кихтир «Балли сизга, пах-тасевар азаматлар, ниятла-рингиз йўлдошингиз бўлсин» дейди.

Б. ШАМСИЕВ.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҲАЛ БЎЛМОҚДА

Бугунги кунда пахтакор-нинг фикр-уйи ғўза парва-риши, ҳар гулда мўл ҳосил тўплаш билан банд. Чунки кузда тикланажак чўғи кир-мон тақдири аини ҳозир ҳал бўлапти. Хўжалигимиз зар-шунослари шу кеча-кундузда юксак масъулиятни чўқур ҳис этиб ишламоқдалар. Қа-тор ораларига ишлов бериш, озиклантириш, сугориш ўз вақтида амалга оширилмоқ-да.

Одатда яхши ният йил бошидан бошланади. Орзу қанчалар рўёбга чиқиши эса йил якунида аёнлашади. Бу орада не-не сермеҳнат, ма-шаққатли кунлар туялар ўтади. Об-ҳаво, бошқа шарт-

билан назорат қилиб туриш-ни йўлга қўйганмиз. Бунинг фойдаси катта бўлапти. Мадамин Намолов моҳир пахтакор, 1973 йилдан буйи бригадлага етакчи. Унинг иш тажрибаси район ва вилоят миқёсида бир неча бор омма-лаштирилди. Аҳил жамоа-бу йил 71 гектар майдонда деҳқончилик қилапти. Ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил етиштириш мўлжал-ланган. Шу кезларда иш юксак мақсадга яраша та-шқил этилмоқда. Ғўза серхо-сил ўсмоқда. Ишчиларнинг бригадир бекор этган дарё қирғоқлари, ариқ бўйларига иморатбон мирзатерак экин ҳаракатини бошлаганига 5—6 йил бўлди. Бугунга келиб унинг ҳайрли ташаббуси на-фақат қўшни хўжаликларда, балки Наманган вилоятимиз бўйича илқ қарши олинди.

Турсунали Абдиев бошлиқ бригада далаларидаги ни-ҳоллар ҳам дилни қувонти-ради. Ҳар гул бўлиқ, се-равж. Бунда Турсунали Ҳам-роқулов, Ҳасанбой Солиев, Фозилхон Қодиров, Шухрат Намолов, Собир Маҳмамов, Икромали Ўрозов сингари тажрибали сувчилар ва ме-ханизаторларнинг фидокору-на меҳнатлари синган.

Мен хўжаликка ўтган йил-дан бошлаб раҳбарлик қила-ман. Илгари шу ерда бош муҳалис эдим. Ҳўш бўл-тур, ҳамжиҳатлик билан иш-чинини қай даражада оқладим? Жавабим эҳтимол мактабни-дек бўлиб туюлар. Аммо бор гапни айтиш керак: белги-ланган режалар барвақт еталганига қолмай, оши-риб бажарилди. Агар 1989 йилгача ғўш соҳалар қолоқ аҳволда келган бўлса, бул-тур ҳамма тармоқ бўйича топирилган урдадан, Ял-пи даромад 4,5 миллион сўмни ташкил этди. Хўжа-лик қарзлари тўлиқ узилди. Жорий йилда ана шу юту-қларни янада мустаҳкамлаш-ни қатъий ният қилганимиз.

Июль ва август ойлари ҳосил тақдири ҳал бўлади-ган давр эканлигини ҳар бир деҳқон яхши билади. Шу босондан ялпи сафарбарлик эълон қилдик. Яқинда рай-онимиздаги «Янгибод» жа-моа хўжалигида бўлиб ўтган вилоят қишлоқ хўжалиги ҳодимларининг йиғинида бар-ча экинлардан мўл ҳосил етиштириш бўйича зарбдор 70 кунлик ўтказишга бел боғланди. Унда жумҳурият Президенти ҳузуридаги Ва-зирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломов, Наманган вилояти партия қўмитаси-нинг биринчи котиби, ҳалқ депутатлари вилоят Кенга-шининг раиси Б. Ж. Ҳамид-ов ва бошқа раҳбарлар, етакчи олим ва мутахассис-лар, тажрибали деҳқонлар қатнашиб, бугунги аҳвол ҳусусида батафсил фикр юритдилар. Йиғинда айтил-ган йўл-йўриқлардан келиб чиқиб, биз ҳосил гишиб этил-гуна қадар бажариладиган ишларни белгилб олиб, навбат билан амалга оши-раймиз. Шу кунларда за-раркунанда ҳашаротларга қарши тўлиқ биологик усул-да курашилмоқда. Барча бригадаларда кузатувчилар тайинланди.

Бу йил кўп табиий офат бўй берганига қарамадан ғўзани талаб даражасида ўстирилмоқда. Шу босондан муҳим агротехник тадбир олиб боришмоқда. Бу ишга тажри-бали колхозчилар жалб этилган. Ҳарорат кўтарил-ган сайин экиннинг озукага ва сувга эҳтиёжи ортиб бо-райпти. Шунинг учун ме-ханизаторлар ва сувчилар жа-ратини оширишмоқда. Уларга барча шартно яратиб берил-моқда. Хуллас, бутун куч-ғайрат ғўза парварчилига қаратилмоқда, бу ўз самара-сини беради. Кузда гектари-дан 30 центнердан сифатли оқ олтин йиғиштириб олиш-га ишончимиз комил.

А. ТЕМИРОВ, Норин районидagi «СССР 50 йилгич» жамоа хўжа-лиги бошқаруви раиси.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЛОНДОНДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 18 июль. (ТАСС мухсус мухбирлари). СССР Президенти Михаил Горба-чевнинг Лондонга таширифи давом этмоқда. Бугун у Ита-лия Бош вазири Ж. Андре-отти ва Канада Бош вазири Б. Малруни билан учра-шади.

Бугуннинг ўзида Совет Президентининг Буюк Бри-танияга расмий таширифи бошланади. М. Горбачев Даунинг—Стритдаги 10-уй-да— Британия ҳукумати бошлигининг расмий бор-ғохда Буюк Британия Бош вазири Ж. Мейжор билан музокара олиб боради, Бу-нингем саройида Буюк Бри-тания қироличаси Елизавет-та II ҳузурига таширф бую-ради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

18 июль кунин Ўзбекистон Компартияси Марказий на-зорат комиссиясининг тур-тинчи пленуми бўлди.

Пленумда ташкилий маса-ла кўриб чинилди. Ш. М. Ўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси этиб сайланганини муно-сабати билан пленум унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комис-сиаси расмийлигини аъзо-си ва комиссия раиси вазифа-сидан озод этиш тўғрисида-ги илтимосини қондирди.

Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи коти-би бўлиб ишлаб турган С. Мамазасулов Ўзбекистон Компартияси Марказий на-зорат комиссиясининг аъзо-си, расмат аъзоси ва комис-сия раиси қилиб сайланди.

Пленум Марказий назо-рат комиссияси расмийлиги-ни «Ўзбекистон ССР ҳалқ де-путатлари бўлган КПСС аъзолари Ўзбекистон Ком-партияси Уставининг ҳалқ депутатлари Советларидан коммунистларнинг иши тў-ғрисидаги талабларини қан-дай таъминлаётганликлари ҳақида»ги маърузасини му-ҳома қилди. Марказий на-зорат комиссияси расмий-лигини аъзоси М. М. Мирқо-симов шу ҳақда маъруза қилди. Музокараларда Ўз-бекистон ССР қасаба ую-малари федерациясини кенга-ши раисининг ўринбосари О. К.-С. Адаманов, Самар-қанд область партия комите-тининг иккинчи котиби В. А. Плутников, Ўзбеки-стон ССР энергетика ва электрлаштириш вазири М. С. Тошпўлатов, Бухоро вилояти партия ташки-лотини назорат комиссияси-нинг раиси О. Холматов, Қашқадарё вилоят ижроия комитети раисининг ўринбо-сари А. Л. Лихин, Ўзбекис-тон ССР Олий Кенгаши ёш-лар ишлари комитетининг раиси А. А. Азамхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Кен-гашини транспорт, йўл хўжа-лиги, алоқа ва информатика комитетининг раиси, Олий Кенгаш комитетлари ва ко-миссиялари бошланғич пар-тия ташкилотининг котиби Ф. З. Захриддинов қатнаш-дилар.

Муҳома қилинган маса-ла юзасидан қарор қабул этилди.

Пленумда Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комите-тининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мирзақўл қўрилиш бри-лашмаси бўлимлари Мир-зақўлдаги марказий коллек-торни янгилай бошлади. Юз километрдан ортиқ масофага чўзилган бу коллектор ер-ларини шўрланган ва зах бо-сипдан сақлайди. Лекин вақт ўтиши билан коллекторнинг кўп жойлари бекилиб қолди.

Энди фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойда-ланиш талаб қилинмоқда. Бу ишга 28,4 миллион сўм ажратилган.

Бирлашма жамоаси олди-да бошқа катта вазибалар ҳам турибди. Сув қузури ку-рилишида 6,7 миллион сўм-ни ўзлаштириш, Чинозда но-

стандарт ускуналар заводи қурилишини давом эттириш, 5 та мактаб, 3 та болалар ботчаси ва кўплаб уй-жойни фойдаланишга топириш ло-зин бўлади.

«Қашқадарё» давлат хўжа-лигида шу ерда тортилган ун-дан нон ёпа бошладилар. Бу

ерда теғирмон ишга туширил-ди. Унга ремонт ускунасининг слесари Мурод Очлов мудирлик қилмоқда. Устахо-на ҳудудидagi теғирмон унинг ёрдамида ўрнатилган.

Давлат хўжалигида аҳоли-ни шу йилги дон ҳосили бил-лан таъминлаш муаммоси ҳал этилди. Республика Презид-ентининг Фармонига муво-фиқ ҳамма оилалар 120—200 килограммдан дон олди.

Омборларда ҳар аҳтимо-лдан 200 тонна дон сақ-ланимоқда. Уруш фахурилари ва «афғончилар» беғул дон тортиш ҳуқуқига эга бўлди-лар.

— Одамлар навбат кутиб қолмасини учун яна бир те-лағирмон қуришга аҳд қилдик, — деди давлат хўжалигининг директор Яраш Мухаммадиев. — Бунинг учун ортиқча ха-ражат қилинмайдми. Тайёр

бино, теғирмон топи бор. Қў-рак, чўғиш машинасининг моторини теғирмонга мослаш-тириш мумкин.

Карл Маркс номи давлат хўжалигида ҳам теғирмон қу-рилди. Автоном номи дав-лат хўжалигида эса қурил-моқда, бошқа қишлоқларда ҳам эски теғирмонлар тик-ланимоқда. Қашқадарё вило-ятидаги кўп хўжаликларда

теғирмон қуриш истаги ту-ғилди.

Олтирғи деҳқончилик-са-ноат уюмисининг эндилик-да ўз санаторий-профиллак-сийаси мавжуд. У район хў-жаликларининг меҳнатчилари ишлаб тошган маблағ ҳисоби-дан қурилган.

Қизилтепа мавзесида қад-кўтарган тўрт қаватли ши-

фоҳона бир вақтинг ўзида юз кишига хизмат қилишга мўлжалланган. Уларни да-волаш учун турли минерал су-варлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдала-нилади. Спорт билан шугу-ланиш учун хоналар ҳам мавжуд. Малакелн шифокор-лар ва тиббий ҳамширалар ишга жалб қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

лаган активларга корхон
тутилган вақтда уларнинг
реал қиймати бўйича соли
солиниши керак.

Мол-мулкнинг қолға
қисми, агар таъсис хуж
жатларида бошқача тарти
қўзда тутилган бўлмаса
чет эл инвестициялари иш
тирокидаги корхонанин
қатнашчилари ўтасидан
корхона мол-мулкидаги

34-модда. Қўшма корхонадан чиққан тақсимланган мол-мулкнинг тақсими

Чет эллик инвестор қўшма корхонадан чиққан тақсима бор корхона тугатилган тақдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушини қайтари олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда улуш ўз мажбурияти ларини бажаргандан кейин корхонадан чиқиб вақтидаги ёки ёки корхона тугатилган

Чет эллик инвесторлар
совет юридик шахсларинин
акциялари ва бошқа қим-
матбаҳо қозғаларини чет э-

юрдик шахсларнинг жим
матбаҳо қоғозларини соти
олиш тартиби ва шартлари
ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбе
кистон ССР қонунлари бил
лан белгиланади.

**ЧЕТ ЭЛЛИК
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ОШҚА МУЛКИЙ
И ОЛИШИ**

республика мулкни қим
га бериш ана шу мулкни

39-модда. **Концессия шартлари**
Чет эллик инвесторларга тикланадиган ва тиклаш бўлмайдиган табиат ресурсларини қидириш, олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ботқак ҳужайма фаолиятини амалга ошириш учун концессия бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон ССРида давлат бошқаруvinинг ваколатига оид.

жатарларида белгилаб қўйилган
ган тартибда тузадиган
консессия шартномалари
асосида амалга ошириладиган

Башарти, шартномада
бошқача ҳол қайд этилган
булмаса, консессия шарт
номаси талабларини бир то
монлама ўзгартиришга йўл
қўйилмайди.

НЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

лар билан чет эл инвести
циялари интиқилиши қон

циллари шитирокидаги кор
хоналар Уртасидаги ула
фаолияти билан боғлиқ ма
салларга доир низола У
бекистон ССР судларида
шунингдек томонларнинг
келтишубга мувофиқ — хо
лислар текширув тартиби
да, шу жумладан чет элда
қараб чиқилиш лозим.
41-модда. Халқаро шарт
номадар
Башарти, Ўзбекистон
ССРнинг халқаро шартно
маларила хулбу Ўзбекистон

Социалистик
Президенти
И. КАРИМОВ.
14 июнь.

Қарори
Тўғрисида»

иш ҳақида

риш ҳақида таклифлар ки
ритсин:

«Ўзбекистон ССРда че
эл инвестициялари тўғриси
да»ги Қонунга зид бўлган
Хукумат ва тармоқ норма
ти хужжатлари қайта ку
риб қилинишини ва беқо
қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон ССР
Олий Кеңашининг Раис

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

Ватанини ҳимоя қилиш чо
ғида ҳалок бўлган совет ки
шилари хотирасини абадий
даштирашга доир қўшимча
чора-тадбирлар ҳам кўри
қилindi. Шу масала билан
боғлиқ аниқ тадбирларни
амалга ошириш учун иш
лаётган тузилмалар барпо
этилади.

Б. ГРИШЧЕНКО,
ТАСС шарҳдовчиси.

ҲАҚИҚАТИ

Ҳасса сунган охотон тазо-рози палласидан қора белбо-ғига ағдарилган ярим кило-грамм шакарга тикилиб, ич-ки алам билан тугунчасини тутди-ю, эшик ёнида туриб қолди.

— Пенсиялар Турди Имомовман, — дея ўзини таниш-тирди охотон. — Тўқин-со-чинликдан шундай аянчи ай-хўлағида тушиб қолганимизни ўйламаган эканмиз. Бир ой-да киши бошига 150 грамм қанд... Имомини қимилли, бун-дай тақсимот одамларни баг-тар очқуз қилиб қўяди.

— Охотон жуда тўғри га-пираяптилар, — деди маҳал-ла қўмтасининг аъзоси Тур-сун Кенжаев. — Дўконимиз-да тақсимот бўйича берил-ётган маҳсулотларнинг бўй-хати ёзилди, 276 оила учун дафтар очилган. Бироқ шу пайтгача бирорта оила тақ-симот бўйича маҳсулотларни тўлиқ олгани йўқ.

Зокир Раҳматов мудирлик қилаётган магазини пештахта-ларини қўздан кеңирдик. Қотган печенье, макарон, майда гуруч, яна қандайдир доривор ўтлар аралашмади чойини ҳисобга олмаганда, ҳеч вақо йўқ.

— Июнда 1500 киши учун 160 килограмм қанд берилган. Июлда 250 ки-лограмм шакарни шу тараф-да уларга тақсимлаб берамиз. Бир ойда 60—80 шина ароқ берилди, уни тарқатгунча та-лашиб-тортишганлардан бў-ларимиз бўлапти, — дей-ди магазини мудир. — Уй, ўсимлик ёғи муаммоси қис-ман ҳал бўлди. Гуруч йўқ. Уч тоннагача ушқоқ гуруч тўрт-беш йилдан буюн ётиб-ди, уни ҳеч ким харид қил-мапти.

«Работ» давлат ҳўжали-нининг Пасурхи қишлоғидан аралаш моллар магазини 578 оилга савдо хизмати кўрсатади. Маҳалла комите-ти ҳар оилга бир ойда хар-ид қилгандаг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини — гу-руч, шакар, ун, ёғ, қанд, кир совун қайд этилган маҳсу-с варақалар берган. Йилининг ўн икки ойида ана шу тур-даги маҳсулотларнинг харид этилиши варақаларда қайд этиб борилади. Уларни би-рин-кетини қўздан кеңирган-мизда харидорлардан бирор-таси ҳам тақсимотданги маҳ-сулотларни тўлиқ олмаган-лиги маълум бўлди.

— Бойсунда истиқомат қилсан-да, қурилиш бригад-миз қўриқ Ленин йўли рай-онига ишлайди, — деди На-им Улугов. — Апрель ойида оиламиздаги беш кишига бир ярим килограмм шакар ол-ди. Июль ойи учун шакар олишимизга қўзимиз етмай турибди. Дўкон мудирини Ҳ. Ҳасановнинг айтишича, аж-ратилган 400 килограмм ша-кар бир килограммдан 400 оилга берилиб, 178 оила шакарсиз қолармиш. Юрчи-лик-да, тўю марака бор. Ян-ги йилдан бери магазинимиз-да конфет сотилгани йўқ. Тўйларимизни ўтказиш учун қандайдир 100 килограмм гуруч керак. Майли, исрофгарчи-ликка йўл қўймаслик маъса-


ларга, оморларга сизмасдан, ҳатто ерга қалаштириб қў-йилганини жўрардик. Етиб қолган товарлар алоҳида рўйхат қилиниб, вақти-вақти билан баҳоси пасайтирилди. Вилотнинг турли райо-нларидан бу ерга келганлар ҳам магазинлардан харидсиз чиқибмасди. Эндичи, бошқа-ларни қўйвериб, магазин-ларда бойсунликларнинг ўз-лари харид қилдиган нарсан-ни қўйиб қўйиб, тўйи-қўйи-дан савдогарлар қўлига ўта-ётди, деган сўзлар қўлига ча-линадди. Эҳтимол Бойсунда ҳам худди шундай бўлаёт-гандир. Шу ҳаёда район

қимиз турмушини кўн чой-сиз тасаввур қилиш мумкин-ми? Аҳвол нега бу қадар аянчи: омор ҳам, магазин-лар ҳам бўм-бўш? Бойсун-ликларга тақсимотдаги маҳ-сулотлар ва товарлар етқа-зиб берилмаптими? Бундай дейишга асос йўқ. Чўнки район матлубот жамиятига қарашли магазинлар тўлиқ ижара пудратига ўтгач, ой-лик савдо топшириқлари ор-тиги билан бажарилапти. Олти ойда режадагидан кўп — 11 миллион 753 минг сўм-лик савдо қилинган. Чакана савдо режаси ҳам ортиги би-лан бажарилган. Товар бўл-маса, пул қаердан тўшай-пти, деган ҳақли савол тур-лади.

— Қўндалик эҳтиёж товар-ларидан ўн бир тури назорат-да, — дейди район матлубот жамияти бошқаруви раиси Панки Худойшўкуров. — 13 тонна шакар, 36,2 минг ши-ша ароқни ҳисобга олма-ганда, олти ойда барча тур-даги товарларни тўлиқ, баг-зиларини ҳатто ортиги би-лан олди. Савдога чиқарган-миз, Лекин бир нарсани ҳи-собга олиш лозим. Аҳоли йил сайини ўсиб бораётган-лига қарамадан, тақсимотда ўзгариш бўлмапти. Районда 47 минг аҳоли бор. Агар ки-ши бошига ойига 800 грам-дан шакар ёки қанд тақсим-лангани бўлса, бизга олти ойда 225,6 тонна қанд ёки шакар керак. Олти ойда 157 тонна қанд-шакар олди. Қўндалик истеъмолдан таш-қари, тўй-маъракаларга иш-латилган ширинликлар ҳис-собга олинмапти. Алоҳи-да тақсимот йўқ. Шўнинг учун ҳам ҳозир киши бо-шига тақсимланган шакар 150—200 граммдан ошма-ётди. Бизнингча, бу муаммо фақат Бойсунда эмас, бутун вилотимизга ҳам тааллуқ-ли. Ўзим маросимларидан од-дий оқ сури топишда қийал-иб қолаётимиз. Инсонни сўнгги манзилга қўзатиш учун зарур нарсалар эҳти-ёт шарт сақланиши лозим. Тақсимотда бў алоҳида эъти-борга олиниши керак.

Афсуски, ҳозирча жумбў-қа жавоб топилаётган.

Б. КЕНЖАВОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мух-бири.



ҚАТРА

Дўста аччиқ сўз дема,
Сўнгра пушаймон ёма.

Емон йўллар хор қилар,
Кент кўнглингни тор қилар.

Вилим, кўнглинг берсанг
Элигига,

Нур ёғилар босган
Йўлигига.

Ҳасад қилмоқ
Душман қилмиши.

Ҳотамлик қамаша
Мардлар иши.

Рўзгор тинчтин ўйлаган
Эр,

Бола-чақа гамин ер.

У. ҚИЛИЧЕВ.

— Сафарни қарибдики
Дейман!

— Ингадиганини йиғиб
Олди-да.

М. ЖУРАЕВ чизган расм.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб беришди

«ЎРТАДА САРСОН ИЛИК»

«Маълумотларга қараганда жигар касаллиги, ичан ва ошқондан раки, қон босимининг ортиши каби хасталиклар Андижон вилотида кенг тарқалган. Бунга аҳолининг ўта энч ялашиб, захарланган туяроқда етиштирилган маҳсу-лотларни истеъмол қилиш, даволаш муассасаларининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда».

Мамакур сатрлар 1991 йил 19 апрелда эълон қилинган «ЎРТАДА САРСОН ИЛИК» сарлавҳали мақоладан келти-рилди. Яқинда ушбу мақолага вилот ижроият комите-ти раисининг муовини О. КОМИЛЖОНОВ илмозси билан жавоб олди:

«...Мақола тегишли идо-раларнинг раҳбарлари, она-лар ва болалар санаторийси қурилишига алоқадор мута-садди идораларнинг бошқа-лари иштирокда вилот иж-роият комитети ижтимоий-маданий муассасалар бўли-мида қайта қўриб чиқилиб, са-наторий-профилакторийи қури-лиши бўйича қўйилганча ҳу-лосага келинди:

Санаторий қурилишида бу йил охиригача 400 минг сўм-лик қурилиш-монтаж ишла-

«ТОҚАТИ ТОҚ БЎЛГАНЛАР»

«...1960 йилдан бери Бухоро газ биозининг колхозимиз чегарасидан ўтиб, то Уралгача оқиб бормоқда. Орадан 30 йил ўтса-да, ҳали-ҳалигача биз яшаётган колхознинг бирон-бир хонадонига газ берилмаган.

Хўжалигимизда салкам 10 мингга яқин аҳоли яшаса керак-ю. Бизга қўшни бўлган Калинин номи, «Ленин-град», «Коммунизм», «Москва» хўжаликларининг аҳоли-си табиий газдан фойдалана бошлаганликларига ҳам уч-тўрт йилча бўлиб қолди. Аммо биз бечораларнинг пешо-намиз шўр экан».

Мамакур сатрлар рўзномамизнинг 1991 йил 5 апрель со-нида босилган «Тоқати тоқ бўлганлар» сарлавҳали мақо-ладан келтирилди. Яқинда ушбу мақола юзасидан Пай-рай район партия комитети биринчи котиби, район Совет-тининг раиси С. Вайсқўлиев илмозси билан жавоб олди:

«...Мақолада келтирилган фактлар асосан тўғри. 1990 йилда хўжаликнинг 37 кило-метр масофасини газлаш-тириш юзасидан қиймати 52,00 сўмлик лойиҳа-смета хўжаси тайёрланган. 1991 йилда хўжаликнинг икки километр масофасини газлаштириш режага кири-тилган бўлиб, бу иш амал-

даги йилининг тўртинчи квар-талида амалга оширилди. Кооператив ва бошқа таши-лотлар орқали хўжаликни 1,5—2 йил ичда тўлиқ газлаштириш чора-тадбирла-ри қўрилмоқда. Бу борадаги ишларнинг бажарилишини район партия комитети, рай-он Совети ижроия комитети ўз назоратига олган».

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Тошкент вилоти халқ таъ-лими бошқармасига қарашли 831 та мактабдан 133 таси тў-ла, қолганлари эса қисман таъмирланишга муҳтож. Ҳозир айрим мактабларда қишга тай-ёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилган. Мавжуд 78 та ис-тиш қозонларидан 10 таси со-зланди. Икки иситиш тармоқ-ларида 2,812 метр ўрнига 7,075 метр созлаш ишлари амалга оширилди. Ташқи ис-тиш тармоқларида эса бу ра-қам 9,440 метрни ташкил қил-ди.

Биз Паркент райони худуди-даги мактабларда таъмирлаш ишлари билан яқиндан таниш-дик. Бу ерда 32 та ўрта мак-таб бор. Шундан 9,14, 24-мак-табларда тўла созлаш, қолган-ларида мавсумий таъмирланиш олиб борилапти. Тўла таъмир-лаш учун районга жорий йил-да жами 88,500 сўм маблағ ажратилди. Мавсумий созлаш ишлари учун эса ҳар бир мак-табга 1000 сўмдан пул берил-ди. 1991—92 ўқув йилига тай-ёргарлик ўтган йилгига нисба-тан озгина қўзилди. Масалан, 12-мактабда таъмирлаш ишла-ри 70 фоз бажарилди, ҳолос. Район халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Аширбоев эса бу кечиккича режада бу мактабни созлаш август ойининг ўрталарида ту-галланиши белгиланган, дея жавоб берди. Бу ерда таъ-мирлаш ишларини «Агроком-мунстройремонт» ташкилоти амалга оширмоқда.

Йўл-йўлак 27-ўрта мактаб-да янги ўқув йилига тайёргар-лик ишлари билан танишдик.

— Бу йилги таъмирлашни мактабимиз жамозси ўз мўд-дагида — 1 июлда ниҳосига етказди, — деди мактаб ди-ректори С. Мусоев. — Ҳар бир ўқитувчи ўзини тегишли синф хонасини сифатли таъмирлашга бош-қош бўлди. Киш ғамини еб, мактабга керакли қўмрини ҳам олиб келди.

Шу кун С. Хусомидинов номи 6-ўрта мактабда ҳам бўлди. Мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор муо-вини М. Миржамоллов нима мақсадда келганини бил-ган, бизни мактаб ичкариси-га бошлади.

— Ҳар йили бундай ишлари-ни барвақт туталарди. Бу йил эса аҳолининг ёмон. У-ган йили мактабга 2 минг сўм пул ажратилган эди. Шу пул билан 3,5 минг сўмлик таъ-мирлаш ишларини амалга оширгандик. Бу йил бор-йўли 1000 сўм маблағ ажратилди. Бу жуда оз. Бизни оталикчи олган «Набахор» давлат хў-жалиги жамозси ҳам негадир сустхалик қилаётди. Таъмир-лаш ишларини ходимларимиз бажаришмоқда.

Яқинда шу мактабга 50 та янги парта, 10 та стол, 4 та янги доска олиб келишди. Мактаб жисмоний тарбия ўқи-тувчиси Хусниддин Усмонов баъзи муаммоларни гапириб берди:

— Бизда очик спорт май-дончалари йўқ. Ечининг хона-лари поланмаган эди. Ўзим бош-қош бўлиб поллайтиб ол-дим. Деразаларимизга ойна еттишмапти. Аввалига ёрдам сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Натيجаси бўлмаган, ўзимиз чора излаб спорт залини ижарага топ-ширдик.

Кўпгина мактабларда бўлга-нимизда ўқитувчилар маблағ камлигини айтишди, мутасадди ташкилотлар ёрдам кўрсатма-ётганликларини рўй-рост таъ-кидладди. Ўқитувчи мактабда-ги созлаш ишларини чала қол-дириб меҳнат таътилига бема-лол чиқиб кетолмапти. «Қол-ган ишга қор ёғар», деб бе-корга айтилган.

Таъмирлаш учун керакли бўюмлар ўз вақтида жамо-ларга тарқатилиши лозим. Қолаверса, оталиқ ташкилот-лари мактабдан ўз ёрдамла-рини аямасда, янги ўқув йил-ида содир бўладиган баъзи муаммоларга барҳам берилган бўларди.

О. МАҲМАЮСУПОВ.



Алишер Навоий тавал-лудининг 550 йиллигига бағишланган турли хил тадбирлар бутун йил бўйи давом этаётди. Бу улур сана хорижий мам-лакат вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқ-да. Яқинда жумҳурияти-мизга ташриф буюрган «Гарзай Трейдиг Ко. ЛТД» афгон фирмаси-нинг директори жаноб Ҳожи Атикулло Гарзай шоир сиймоси акс этти-рилган 40 га яқин гилам-ларини болалар муассаса-ларига хайрия қилди.

ХОРИЖЛИК ДЎСТАЛАР ТУҲФАСИ

Д. АҲМЕДОВ
олган суратлар.



Кўпчилик жисмоний тар-бия ва спорт машғулотлари-га киришиб, улар андоза-даги кийим-бош, пойабзал, тегишли жой, асбоб-анжом-лар зарур, деб ҳисоблайди. Баъзан айтиш шартки-ларнинг сиробини маш-гулотларга киришдагидан го-в бўлади. Чўнки кийим-бош топила, пойабзал йўқ ёки иншоотлар мавжуд бўлган билан анжомлар топилавер-мапти. Натияжада ҳавасман-нинг ҳафсаласи пир бўлиб, ишнинг аввали бош огриг-экан, оқибати нима кечди, деган ҳулосага келиши мум-кин. Айнакча, ҳозирги тақ-чиллик даврида ишни рисо-ладагидек ташкил этишга уриниш бечасардир.

Маданият ЖАБҲАСИДА

Ҳазор режиссёри Темурма-лик Юнусов ўрта аср буюк олимлари тўғрисида картина-лар туркумини яратишни мўлжаллаб қўйди. Бу рўй-хатда афсонавий Ҳўжа Аҳ-мад Яссавийнинг номи би-ринчи ўринда турибди. У фа-қат ўзининг дунёқарашлари билан машҳур бўлиб қолма-ган, Қўрбон ва Ҳадисларни турк халқлари учун биринчи марта тушунарли баён этиб берганлиги билан ҳам ном чиқарган. Алишер Навоий бу олимга юқори баҳо берган эди. Амур Темур ҳам унинг номини ҳурмат билан тилга олган.

Яссавий номи ўзоқ йиллар давомида унут бўлди. Чўнки Октябрь инқилобидан сўнг у реакционер олим, мистик шо-ир деб эълон қилинди. Ҳў-жааҳмад Яссавийнинг маъ-навий мероси ҳоржиде — Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам кенг ўрганилган бир пайтда бизда олимнинг меросига ана шундай муносабатда бўлин-ди. Унинг номи ҳамон эъти-борни ўзига жалб этиб кел-моқда. Келгуси йили Па-рижда, икки йилдан сўнг эса Истанбулда катта илмий кон-ференциялар ўтказиш режа-лаштирилган. Бу тадбирлар Яссавий тутилган кўннинг 890 йиллиги арафасида ўт-казилди. Чимент яқиндаги Сайрам қишлоғида дунёга келган олим қабрибаси ва ме-росини Темурмалик Юну-сов ўз асариде гавдалантир-моқчи бўлаётган.

Шўнинг учуни, улар шу-ғулланишга ўзлариде эҳти-ёж сезишмапти. Бўнинг боиси эса иккига: улар жи-смоний тарбия ва спортнинг саломатлик учун фойдали эканлигини билишмапти ёки буни амалда ҳис этишмапти. Бу ҳаёлий бир нарс бўлиб туюлади.

Бўғача, мактабда, ўқув юр-тидада жисмоний тар-бия дарслири енгил-елин ўтилганини, ёшлардан жи-смоний тарбия машғулотла-рига астойдил меҳр уйғотила-манлигини, соғлиғимизга ло-қайдигимиз — мана бизда-ги бегамлик, жоҳилик са-маблари, Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўқув юр-ти ва ҳоказолар-ни истаганча танқид қилиш мумкин, албатта. Бўнинг учун далиллар етиб ортади. Аммо энг ахши тарбия усу-ли — ўз-ўзини тарбиялаш-дир.

Мақсадимиз жисмоний тар-бия ва спорт машғулотлари орқали вужудини чиништи-риб, уни турли касалликлар-дан фориғ этишни ва шу йўл билан шод-хурам яшашни истайдиганларга қўлдан келганча мадад кўр-сатишдир. Уларга биринчи ва асосий маслаҳатимиз: энг аввало ўзингизда жисмоний тарбия ва спорт машғулот-ларига эҳтиёж уйғотишга

ҳаракат қилинг. Бўнинг учун сизга амалда фойдаси тега-диган бирор машқини таялаб, уни муайян вақт мобайнида такрорлаб туриг.

Масалан, мен кечқурун-лари кунора, қинимиздаги спорт майдончасида ёки ўй-да турган жойда 30—40 да-қиқа тоғурсам, кундаги жазирама иссиқ мутлақо сезилмапти. Аксинча, уч-тўрт кун югуришни бас қил-сам, иссиқда лоҳасланиб, ўзимни ноҳуш сеза бошлай-ман. Қизик, нима учун ке-чурунлари кунора тер чиқ-қунча югурилса, икки-уч кун иссининг тафти билин-мапти? Бў саволга биз мутахас-сислар ёрдамида жавоб то-пишга уриниб қўрамиз. Шу-нисни аёни, бў — ёзнинг жазирамасига дош бериш-нинг энг ишончли воситала-ридан биридир. Шу боис ў аллақачон мен учун табиий эҳтиёжга айланган.

Югуриш, пёда тез юриш бошқа кўплаб дардлардан сизни фориғ этишга шўбха йўқ. Юрак касалликлари, оғвақ ҳазм бўлишининг су-айиши оқибатида келиб чиққан кўплаб хасталиклари-нинг қушандаси ҳам метёри-да югуриш ёки пёда тез югуришдир. Бўнинг учун асло спортчасига кишининг, югурадиган маҳсул жой из-лашга ҳожат йўқ. Фақат бир-икки наҳрир жойга пёда бориш одат қилиш керак. Дастлабки пайтларда шўнинг ўзи кифой. Ҳаёт-сига бир-икки марта беш-олти закирми жойга пёда бориб келишга ўрганиш ба-қир-диллигининг яратиди, ўз машғулотларингиз самараси-ни яққолроқ ҳис эта бош-лайсиз.

Хулласи калом, дастлабки пайтларда шўгулланганин бирор спорт иншоотига бо-риб бошлашга ҳожат йўқ. Бў ерда энг асосийи: Ҳаёт — ҳаракатдан иборат, деган иборани кундалик тур-мушга жорий қилишдир. Бўнга амал қилишни ўрга-сангиз, муллонинг ярмига эришимиз деярлиг.

Табиатан тортинчоқ бўл-сангиз, дастлабки пайтлари уйда ёки панароқ жойда шўгулланганингиз мумкин. Жисмоний тарбия машғу-лотлари самарасини амалда ҳис эта бошлагач, кўчага чиққанингизни ёки бегоналар-кўз ўнгига бемало шўгул-данашга киришингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Ш. АЛЛОМОВ.

Мухаррир
Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

(«Сельская правда»)

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

БҲҲОТМА № 5696

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг

Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаханаси. Тошкент шаҳри.

Босишга топишриш вақти 21.00. Босишга топишришди 20.00.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-36, Ахборот ва

32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва

спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Бездатиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12